

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

БАХОДИРОВА ГУЛНОЗ КАМАЛОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР (БИЛИМ ВА ТАЪЛИМНИНГ
ПЕДАГОГИК СОҲАЛАРИ МИСОЛИДА)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Баходирова Гулноз Камаловна

Талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришда инновацион ёндашувлар
(билим ва таълимнинг педагогик соҳалари мисолида) 3

Баходирова Гулноз Камаловна

Инновационные подходы к формированию познавательной деятельности
студентов (на примере педагогических областей знания и образования)..... 25

Bakhodirova Gulnoz Kamalovna

Innovative approaches to the formation of cognitive activities of students (on the
example of pedagogical areas of knowledge and education) 47

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

БАХОДИРОВА ГУЛНОЗ КАМАЛОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР (БИЛИМ ВА ТАЪЛИМНИНГ
ПЕДАГОГИК СОҲАЛАРИ МИСОЛИДА)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped750 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган..

Илмий раҳбар:

Кодиров Мумин Кодирович
физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Юзликаев Фарид Рафаилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳасанова Кибриё Ҳасановна
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD)

Н.Ш.Шадиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, изланувчан, ижодкор ва тадқиқотчилик компетенцияларига эга мутахассис шахсини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади. Жанубий Корея, Япония, Хитой, Англия каби ривожланган давлатларда талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш, аниқ мақсадни белгилаш асосида ўқув натижаларини кафолатлаш, таълимнинг изланишли, коммуникатив, ижодий, лойиҳавий фаолият, гиперматнли навигация каби шакллари такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, талабаларнинг самарали ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг акмедактик тамойилларининг амал қилиш механизмлари, ахборот-таълимий муҳитни такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Дунёда олий таълимнинг дидактик асосларини такомиллаштириш, билиш фаолиятини ривожлантиришнинг репродуктив, продуктив ва ижодий даражалари интеграциясини таъминлаш, муаммоли-фаолиятли ёндашув асосида талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, билиш компетентлигининг компонентлари ва таркибий асосларини аниқлаштириш, талабаларнинг шахсий билиш фаолияти мантиқий тузилмасининг тасвирий-белгили моделларини лойиҳалаш, билиш фаоллигини такомиллаштиришнинг ривожлантирувчи ва сценарийли-контекстли технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, талабаларнинг билиш фаолиятини модулли-кредит таълим талаблари ва индивидуал ривожланиш траекторияси билан уйғунликда ривожлантириш зарурияти юзага келмоқда.

Республикамизда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, компетенциявий ёндашув асосида касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг билиш фаоллигини жадаллаштириш асосида касбий ижодкорлигини ривожлантириш, ўқув-билиш фаолиятини изланишли-тадқиқотчилик компетенцияси билан уйғунлигини таъминлаш, билиш фаолиятини ривожлантиришнинг аксиологик асосларини такомиллаштириш долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида “Мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнига компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услугий материалларни кенг жорий этиш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, талабаларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон

билиш фаолиятини ривожлантиришнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик тизим ва таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим олувчиларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг тарихий асослари Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Абдулла Авлоний каби мутафаккир ва олимларнинг мумтоз асарларида ўз аксини топган.

Талабаларда билиш фаолиятини шакллантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган, жумладан: И.А.Аллаёров, О.С.Гребенюк, А.В.Гидлевский талабаларнинг билишга оид фаолиятини бошқариш усуллари; А.А.Закиров, И.А.Зимняя, Л.Я.Зорина, З.К.Исмаилова, И.Я.Лернер, С.В.Панюкова, Р.И.Суннатов таълим жараёнида шахснинг ривожланиши; У.Саттаров, У.И.Иноятов, Р.Юсупов касбий фаолиятга ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакллари, усулларида предметлараро алоқаларни қўллаш; М.Тожиев, Б.Зиёмухаммедов, О.Абдукудусов ўқув жараёнининг дидактик ва психологик хусусиятларини тадқиқ этиш; Х.Абдукаримов, Н.Азизхужаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, А.А.Вербицкий, Р.Х.Жураев, Б.Р.Жураева, Ж.Г.Юлдошев, С.М.Маркова, Г.М.Махмутова, Л.М.Митина, А.Г.Морозов, У.Н.Нишоналиев, М.Очилов, Б.Рахимов, Н.Саидахмедов, В.А.Сластёнин, У.Толипов, А.Р.Ходжабоев, А.А.Холиков, Н.Шадиев, О.Хайдарова, А.А.Хамидов, Ф.Р.Юзликаев каби педагог-олимларнинг ишларида инновацион ёндашувлар, замонавий педагогик технологиялар, талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, бўлғуси ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, таълимий технологияларни қўллаш имконияти, дунёқарашни ривожлантириш усуллари ва йўллари, бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлаш ва касбий жиҳатдан тарбиялаш масалалари тадқиқ этилган.

А.А.Бодалев, Е.М.Иванова, Э.Гозиев, М.Г.Давлетшин ва бошқаларнинг ишларида ўқитувчи шахсини касбий тайёрлашнинг психологик ва психофизиологик аспекти ўз аксини топган.

Ўқитувчининг касбий компетентлигининг шаклланиш муаммолари В.А.Адольф, И.Зимняя, А.Карабаева, Н.Кузьмина, Н.Муслимов, Ш.Шарипов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Илмий-назарий адабиётларни таҳлил қилиш талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш ва бу жараённинг замонавий педагогик технологиялари етарлича кенг тадқиқ этилганидан далолат беради. Бироқ машғулотларни уюштириш, машғулотлар давомида билиш фаолиятини шакллантиришга йўналтирилган усул ва воситаларни қўллаш шакллариининг инновацион ёндашувлари етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-45 – “Педагогик технологияни миллий модели асосида ўқув машғулотлари лойиҳасини тузиш ва амалиётда қўллаш” (2012-2014йй.), “Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий потенциални оширишга йўналтирилган чоратadbирлар комплекс дастури” (2017-2021 йй.), Ўзбекистондаги Жаҳон банкининг AIF (Академик инновациялар фонди) 2/13 “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқитувчи фаолиятини баҳолаш” (2019-2020 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришга доир инновацион ёндашувларнинг назарий жиҳатларини аниқлаштириш ҳамда амалий татбиқ этишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик, педагогик хусусиятларини ёритиб бериш;

инновацион ёндашувларнинг педагогик имкониятларини асослаш орқали талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш;

талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш модели ва уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш;

талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш технологияларини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали, Андижон давлат университети, Наманган давлат университетларидан 460 нафар респондент-талабалар жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети талабаларнинг билиш фаолиятини инновацион ёндашувлар асосида шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир тарихий, сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат), педагогик эксперимент, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш педагогик-психологик хусусиятлари (билиш мотивлари, билишга эҳтиёж, индивидуал сифатлар) мотивацион-қадриятли (муносабат, рационал усуллари ўзлаштириш), когнитив (билиш алгоритми ва стратегияси), операцион-фаолиятли (билиш воситалари), рефлексив-баҳоловчи (шахсий билиш фаолиятини баҳолашга тайёрлик) компонентларни бирлаштириш орқали намоён бўлиши тажрибада асосланган;

фаолиятга, шахсга йўналтирилган, тизимли ва компетенциявий ёндашувларнинг дидактик имкониятларини моделлаштириш орқали билиш фаолиятини шакллантиришнинг мотивацион-баҳоловчи, когнитив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи мезонларини репродуктив, продуктив ва ижодий кўрсаткичлар билан қайта алоқасини корреляцион баҳолаш асосида аниқлаштирилган;

талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш моделининг амалий компоненти когнитив (муаммоли суҳбат), ассоциатив (илмий-ўқув матнлар билан ишлаш), автоном (билиш стратегиялар) билиш даражаларини график органайзерлар (продуктив рефлексия, ўқув элементлари график мантиғи, метарежа, таянч карта, фрейм) кўринишида тасвирлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришнинг муаммоли, эвристик технологиялари билишга қизиқишнинг экстенсив, компенсаторли, коммуникатив функцияларини ностандарт фикрлашни ривожлантиришнинг тажрибавий таълим босқичи модуллаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг индивидуал-билиш хусусиятларини белгилаш асосида катта – WCA (Wide cognitive activity), ўрта – ACA (Average cognitive activity), кичик – TSA (Typical cognitive activity) билиш типлари аниқлаштирилган;

талабаларнинг билиш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи, шунингдек, касбий шаклланишига самарали таъсир кўрсатишга хизмат қилувчи Слайдер ва Сэндвич технологиялари ишлаб чиқилган;

талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини шакллантиришнинг ахборот технологияларини қўллашга асосланган дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказишнинг инновацион шакллари қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган инновацион ёндашувлар ва усуллар, фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва кўрсаткичлар самарадорлигининг математик-статистика методлари билан ишлов бериш асосида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий

этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти билиш фаолиятининг таклиф қилинган янги терминологияси ва тушунчаларини аниқлаштириш, самарали таълим ва биологик, психологик, ижтимоий ривожланишнинг боришидаги шахсий хусусиятларнинг ўзаро алоқаси, таълимда билиш фаолиятининг самарали шаклланиши учун инновацион ёндашувларни илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги шакллари орқали талабаларда таълимнинг билиш фаолиятини таркибий қисмларига, билиш фаолиятини шакллантиришда услубий ва амалий аҳамиятга қизиқишларини кучайтириш билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришда инновацион ёндашувларни татбиқ этишга доир тадқиқот натижалари асосида:

талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш педагогик-психологик хусусиятлари, мотивацион-кадриятли, когнитив, операцион-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи компонентларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган “110000 – Педагогика” таълим соҳаси бакалаврият таълим йўналишларининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3941-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш бўйича компетенциялар тизимини лойиҳалаш самарадорлигини оширишга эришилган;

фаолиятга, шахсга йўналтирилган, тизимли ва компетенциявий ёндашувларнинг дидактик имкониятларини лойиҳалаш, билиш фаолиятини шакллантиришнинг мотивацион-баҳоловчи, когнитив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи мезонлари, репродуктив, продуктив ва ижодий кўрсаткичларини аниқлаштириш, талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш моделининг амалий компонентини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистондаги Жаҳон банкининг АИФ (Академик инновациялар фонди) 2/13 “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқитувчи фаолиятини баҳолаш” (2019-2020 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3941-сон маълумотномаси). Натижада педагогларнинг талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини ривожлантириш компетентлигини прогностик баҳолаш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришнинг муаммоли, эвристик технологиялари билишга қизиқишнинг экстенсив, компенсаторли, коммуникатив функцияларини ностандарт фикрлашни ривожлантиришнинг тажрибавий таълим босқичи билан интенсификациясини модуллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялардан ИТД-1-45 – “Педагогик технологияни миллий

моделли асосида ўқув машғулоти лойиҳасини тузиш ва амалиётда қўллаш” лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3941-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришнинг локал-модулли технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ва мазмуни 9 та хорижий, 12 та республика илмий журналларида, шунингдек, 5 та халқаро ва 7 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий-услубий ишлар, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) нинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда бта мақола, жумладан 1 та хорижий ва 5 та республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантириш – педагогик муаммо сифатида”** деб номланиб, назарий адабиётларни таҳлил қилиш асосида билиш фаолиятини ўрганиш соҳасидаги назарий ёндашув ва йўналишлар таҳлил қилинган, билиш фаолиятининг педагогик тузилмасидаги таркибий қисмлар мазмунининг компонентлари тавсифномаси ўрганилган. Тадқиқот жараёнида педагог, психолог, файласуф, социолог олимларнинг ишларида муаммонинг турли-туман аспекти тадқиқ этилганлиги аниқланган.

Замонавий юқори малакали мутахассисга ижтимоий буюртма кўп ҳолларда шахс ва фаолиятнинг сифатли тавсифномаларига қўйилган объектив талаблар билан белгиланади. Айнан таълим сифатини такомиллаштириш давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини амалга ошириш суръати, сифати ва усулларига аҳамиятли таъсир кўрсатмоқда.

Билиш фаолиятини шакллантириш муаммоси педагоглар, психологлар томонидан турли нуктаи назарда кўриб чиқилади. Педагогика фанида

ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва фаолият муаммоларини тадқиқ этиш чуқур тарихий илдизга эга.

Педагогик луғатлар ва маълумотномаларда **“билиш фаолияти”** – талабаларнинг таълим жараёни ва мазмунига муносабати, билим ва малакаларни самарали эгаллашга интилиши, маънавий-иродавий кучларини мақсадга эришишга сафарбар қилиши, шунингдек мақсадга эришилган тақдирда эстетик лаззат олишида намоён бўладиган ўқув фаолияти сифатидир², деб таъриф берилган.

Психологияда **фаолият** – кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири. Инсон фаолияти шахснинг энг муҳим хислати, ўз эҳтиёжлари, қарашлари, мақсадларига мувофиқ равишда атрофдаги борлиқни ўзгартириш қобилияти сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

“Инновация” – инглиз тилидаги innovation – янги киритилган тартиб-қоида. Таълимда инновация – таълим ва тарбиянинг мақсади, усуллари, шакллари, ўқитувчилар, шунингдек талабаларни ишлаб чиқаришга ўргатадиган усталарнинг биргаликдаги фаолиятини уюштириш жараёнига янгилик киритиш демакдир³.

Ушбу бобда “фаолият”, “билим олиш”, “билиш фаолияти”, “инновация” тушунчалари ўрганилган ва ҳар бир тушунча бўйича муаллифлик шарҳлари келтирилган.

Демак, **“фаолият”** – бу инсоннинг ҳаётий шартларни (ижтимоий, таълимий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ҳ.к.) бажаришга ундовчи ҳаракати. **“Билиш фаолияти”** – бу инсонни ҳозиргача номаълум бўлганларни билиш, ўрганишга ундовчи, ирода ва характерни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи, ташаббускорлик ва мустақилликда намоён бўлувчи шахс фаолияти.

“Инновациялар” – бу анъанавийдан ноанъанавийга ўтиш демакдир. **“Таълимда инновацион ёндашув”** – педагогик жараёни, илмий-техник ривожланиш талаби билан мос ҳолда, креатив ёндашувлар асосида ташкил этиш.

1-4 босқич талабаларининг психологик ҳолатини изчил таҳлил қилишдан кейин мавжуд илмий-услубий адабиётларни ўрганиш асосида талабаларнинг билиш фаолиятининг учта типига замонавий ном бердик.

Биринчи тип – катта, кенг кўламли – **WCA (Wide cognitive activity)**. Мазкур типга билим олиш ва кўникма, малакаларни шакллантиришга мотивацияси юқори ва диққатини жамлаш қобилияти ҳамда билиш фаолияти кенг бўлган талабалар киради. Улардаги билиш фаолияти нафақат ўз ихтисослиги бўйича шаклланади, балки касбий таълим чегарасидан ташқарига ҳам чиқади. Улар ўз дунёқарашларини кенгайтириш, касбий ўсиш устида ишлайдилар, ҳамма янги, ўрганилмаган нарсалар уларни қизиқтиради. Уларнинг қизиқувчанлиги, ҳар томонлама билиш, ўрганиш ва

² Педагогический словарь-справочник. Сейтхалилов Э.А. с соавт. Т.: \Под общей редакцией проф. Б.Ю.Ходиева. 2011. – с. 512

³ Педагогический словарь-справочник. Сейтхалилов Э.А. с соавт. Т.: \Под общей редакцией проф. Б.Ю.Ходиева. 2011. – с. 240

ривожланишига бўлган улкан истак ўқув дастурлари доирасидан чиқиб кетади.

Иккинчи типи – ўртача – **АСА (Average cognitive activity)**. Бу типга ўрта даражадаги билиш фаолиятига эга бўлган, яъни ўз ихтисослиги доирасида касбий жиҳатдан чуқур таълим оладиган талабага тааллуқлидир. Талаба ўзининг касбий йўналганлигидан ташқари бошқа ҳеч нарса билан қизиқмайди. Чекланган ихтисослашган касбий билиш фаолияти мазкур типга хосдир.

Учинчи типи – кичик – **ТСА (Typical cognitive activity)**. Бу типга ўқув дастурлари доирасида билимларни ўзлаштириш ва малака эгаллашни кўзда тутадиган билиш фаолиятига эга талабалар киради. Фаолиятнинг бу тури энг оз фаол, энг кам ижодкор характерига эга.

Биз билиш фаолиятининг психологик хусусиятларини ҳам аниқладик. Талабаларда билиш фаолиятининг шаклланиши, шахс бўлишига ўқитувчилар, ота-оналар ва талабаларнинг ўзларини муносабатлари улкан таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар томонидан ижобий муносабат ўрнатиш ва ёқимли муҳит яратиш, ҳамкорлик муносабатлари, ўзаро тушуниш ва ҳурмат қилиш талабаларнинг билишга оид, когнитив фаолиятининг, гностик, ижодий ва ташкилотчилик қобилиятларининг ривожланишига кўмаклашади. Таъкидлаш лозимки, талабаларнинг билиш фаолиятини шакллантиришнинг самарадорлиги ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Билиш фаолияти шаклланишининг ташқи омиллари – бу педагогик муҳит ва жараённинг (таълим муассасалари, ахборот-коммуникацион технологиялар ва ҳ.к.) хусусиятлари. Ички омиллар – талабалар, ўқитувчилар, ота-оналарнинг индивидуал психофизиологик хусусиятлари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлардир. Тадқиқот натижаларига кўра ота-оналар, ўқитувчилар ва болалар ўртасидаги муносабат мақсадлар бирлиги, дўстона тушуниш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ота-оналар фарзандларининг сифатли билим, малака ва кўникмаларни олишидан манфаатдорлиги асосига қурилиши лозимлиги тўғрисидаги хулоса шакллантирилди. Ўқитувчининг компетентли ва саводли мотивацияси кўмагида талабаларда билиш фаолиятининг биринчи – **WCA (Wide cognitive activity)** типи шаклланади. Тарбия масалаларига онгли ва мақсадли ёндашган ота-оналарнинг фарзандларида дунёқараши кенг шакллантирилган, қадриятлар тўғри сингдирилган бўлиб, мустақил ўқиб, билим орттириш ҳам яхши ривожланган бўлади. Мажбурловсиз ўқийдиган талаба билиш фаолиятининг биринчи типи (**WCA**) га эга бўлади. Талабалар билан авторитар ва паст эмоционал алоқадаги педагогик жараён вақтида педагог талабаларни “чекланган малака”ни шакллантирувчи, мустақил ва уй ишлари билан юклашнинг восита ва усулларини қўллаган шароитда ўқитилаётган предмет бўйича ўта катта ҳажмдаги маълумот берса, талабаларда тегишли равишда билиш фаолиятининг иккинчи тури – **АСА (Average cognitive activity)** шаклланади. Билиш фаолиятининг иккинчи типи бўлган талабаларда ҳам мустақил ўқиб билим орттириш яхши ривожланган, бироқ талаба мажбуран ўқийди. Талабалар билан пассив эмоционал мулоқот бўлганида, педагог томонидан қизиқарсиз, кам даражадаги маълумотлар

тўплами билан дарс жараёнини олиб борилганда, педагог билан мулоқотни, масалан, баҳо, назорат ишларни қабул қилганда, бир босқичдан бошқасига ўтиш (яъни “думсиз”) воситаси сифатида кўрилганда, талабаларда билиш фаолиятининг учинчи типи – **ТСА (Typical cognitive activity)** шаклланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Талабаларда билиш фаолиятини шакллантириш моделини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш” деб номланади. Бу бобда билиш фаолиятини шакллантириш жараёнининг мақсади талаба томонидан билиш фаолиятининг шаклланганлигини шундай даражасига етишиши, яъни у талабани ўқув жараёнининг субъекти сифатида тавсифлайдиган бўлишига эришиш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, талабага бўлғуси касбий фаолиятни самарали амалга ошириш, келгусида мустақил ўқиб, билимларини орттириш имконини беради. Билиш фаолиятини шакллантириш таълим жараёнининг тегишли вазифаларини амалга ошириш йўли билан таъминланади (1-жадвал).

1-жадвал

Таълим жараёни ва билиш фаолиятининг ўзаро алоқадорлиги

№	Таълим жараёни вазифалари	Билиш фаолияти компонентлари
1	Талабаларни тизимли билимлар билан таъминлаш	Когнитив
2	Касбий малака ва кўникмаларни ривожлантириш	Ҳаракатли
3	Касбий рефлексив қобилиятни шакллантириш	Шахсий: иродавий, эмоционал, мотивацион

Тадқиқотимизнинг асосини Э.Брансуик⁴ бўйича янги киритилган қонун-қоидаларнинг дастлабки типи, яъни янги ва оригинал типдаги таълимий ғоялар ва амалий ҳаракатлар ташкил этади.

Бутун тадқиқотимиз, педагогика бўйича маърузавий машғулотлар (маърузалар) давомида биз ўзимиз ишлаб чиққан ва ўқув жараёнига мустақил татбиқ этган, биридан бошқасига ўтувчи турли усуллар бўлган “Слайдер” технологияларни қўлладик. “Slider” атамаси инглиз тилидан сирғаниш, ўтиш деган маъноларни билдиради. Slider-технологиянинг моҳияти таълимнинг анъанавий шаклларида ноанъанавийсига ўтиши ва ортга қайтишидан иборат. Технологиянинг номи ҳам шундан, яъни таълимнинг анъанавий ва инновацион шакллари ўртасида оҳиста сирғалишдан келиб чиққан. Маърузавий машғулотларда талабаларга таълимда мотивация бериш учун уларнинг диққатини жамлаш мақсадида биз дарсни бир тондаги маърузалар ўрнига янги мавзуга тааллуқли йўналтирувчи саволлар билан бошладик. Ҳар бир маърузавий машғулот янги мавзуни қамраб олувчи саволларни, шунингдек, замонавий ёшларни қизиқтирувчи янги мавзулар доирасидан чиқмайдиган долзарб саволларни инобатга олган ҳолда қурилган. Яъни маърузавий машғулотлар савол-жавоб шаклидаги фаол ёндашув тарзида олиб борилди. Таълим жараёнида бу технологиялардан фойдаланишда

⁴ Брансуик Э. Нововведения в образовании – 2017 // Вопросы образования – М.: 2017, с.14–19

талабаларда мавзуга қизиқишнинг ортиши, диққатни жамлаш ҳисобига мотивацион компонент ошади, педагог томонидан берилган саволларга жавобларни ифодалашда луғат заҳираси ривожланади, тўлади ва ҳ.к.

Семинар машғулотларида биз “Сэндвич” технологиясидан фойдаландик. Бу дарсни ташкиллаштириш шакли ҳам бир неча усуллардан ташкил топади. Семинар машғулотларининг асосий моҳияти шундан иборатки, семинар машғулотлари истисно тарзида талабалар томонидан олиб борилади. Ҳар бир семинарда бир жуфт талабалар ўқитувчи сифатида дарсни (сценарийли) олиб бориш учун предметнинг ишчи дастуридан ўзларига мавзу танлайдилар. Талабалар машғулотга педагог сифатида тайёрланадилар. Ҳар бир дарс янги жуфтликдаги талабалар томонидан олиб борилади. Анча журъатли ва билимларини амалиётда синаб кўрмоқчи бўлган талабалар дарсни ёлғиз олиб борадилар. Улар ўтилган мавзулар бўйича мантиқий топшириқлар, таълимий муассасалар ҳаётида тез-тез учрайдиган муаммоли вазиятлар, саволлар, вазифаларни тайёрлайдилар. Яъни, аудитория машғулотида талабалар янги ўтилган мавзунини амалий ўзлаштиришга ўтадилар. Дарсни ташкил этишида, бу янги шакл орқали талабаларда мустақил билиш фаолиятига қизиқишлари аҳамиятли тарзда ортади. Тажриба-синов ишлари вақтида инновацияларни қўллаш натижалари асосида қуйидагиларни ишончлилик билан айтиш мумкин:

талабалар дарсга астойдил тайёрланадилар, бу, ўз навбатида, масъулиятни ривожлантиради;

янги маълумот билан мустақил ишлашни бошлайдилар – бу, модомики, маълумотни таҳлил қиларкан ва синтезларкан, бош мия фаолиятини машқ қилдиради;

нотиқлик нутқини ривожлантиради – бу талабаларнинг асосий қисмида юзага келадиган “оломондан кўрқиш” билан курашишда ёрдамлашади, ўз билимига ишончни ривожлантиради. Бу эса, ўз навбатида, дарс мавзусини ўрганиш учун кучли мотивациядир;

касбий малакалар шаклланади – аввало, бу касбий малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш, гуруҳни тўғри назорат ва мониторинг қилишга ўрганиш имкониятини берадиган ўз гуруҳи, психологик қулайлик;

танқидий фикрлаш – ҳар бир дарсда содир бўладиган вазиятлар ва улардан бирмунча тўғри чиқиш кўникмаси шаклланади, талабаларга уларнинг касбий фаолиятида кутиладиган мураккаб ҳаётини вазиятларда мўлжал олишда ёрдамлашади;

ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини тасдиқлаш каби сифатлар дарсга тайёрланиш вақтида бирмунча кучли намоён бўлишни бошлайди. Бизнинг экспериментал дарсларимизда, тадқиқотимиз давомида талабалар орасида амалий усул – анкеталаш усули билан сўровнома ўтказдик. Таълимга бизнинг инновацион ёндашувларни (тадқиқот муаллиф томонидан ишлаб чиқилган) жорий қилиш талабаларда билиш фаолиятини шакллантиришда анъанавий шаклларни қўллашга қараганда анчагина ижобий натижа беради. Билиш фаолиятининг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун турли-туман усуллардан фойдаландик. Экспериментал дастурларни амалга ошириш талабаларнинг билиш фаолиятини

шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёни моделини (1-расм) татбиқ этиш, билиш фаолиятини шакллантириш жараёнида педагогларнинг талабалар билан ўзаро ҳаракатланиш имконини беради.

Билиш фаолияти компонентларини шакллантириш усулларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таълимнинг муаммоли усуллари. Ижодкорликни талаб қилувчи фаолиятда инсоннинг ижодий имкониятларини ривожлантириш таъминланади.


Муаммоли баён қилиш усули. Шу маънода маърузаларда қачонки ўқитувчи муаммоларни қўя билса, муаммоли вазифаларни ташкил эта олса, ўқув материални муаммоли баён қилиш катта имкониятларни тақдим этади. Ўқув материални муаммоли баён қилишда талабалар олдида нафақат тадқиқотнинг якуний натижаларини, балки кўриб чиқиладиган муаммонинг ечимини излаш мантиғини ҳам очиқ беради.

Излаш, изланиш усулининг мақсади талабаларнинг муаммолар ва муаммоли вазифаларни ҳал қилиш юзасидан изланувчан фаолиятини ташкиллаштиришдан иборат. Бундай вазифалар тизимининг қурилиши ўқитувчига талабаларда ижодий фаолиятнинг зарурий сифатларини шакллантиришга олиб келадиган дастурлаш имконини беради. Ўқитувчи излаш усулидан фойдаланган ҳолатда изланишни йўналтиради, муаммоларни кетма-кет қўяди, зиддиятни ифодалайди, муаммоли саволларни яратади, топшириқни бажаришга ўзи кадам қўяди, талабалар эса топшириқни бажаришнинг ҳар бир бўғинида юзага келувчи муаммолар қисмининг ечимини мустақил излайдилар.

Излаш, изланиш усулларида фойдаланганда, талабалар муаммоли вазифага тегишли ечимдаги юзага келадиган мураккабликларни уни кичик вазифаларга ажратиш йўли билан бартараф қилишга ўрганадилар.

Таълимнинг **диалогли усуллари** замонавий таълимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Диалогли усуллар (дебат, дискусия, савол-жавоблар ва бошқа) талабаларда, берилган муаммоли вазифалар ёки саволларга жавобини, қурқмасдан, очиқ ойдин баён қилишига ундайди.

Машғулотларда биз ишлаб чиқилган замонавий технологияларимиздан фойдаландик: *Slider* – муаммоли баён қилиш, илгари ўтиб кетувчи топшириқлар усуллари; *Sandvich* – таянч харита, тадқиқотчилик, эвристик усуллар, *case-stady*. Билиш фаолиятининг шаклланишига кўмаклашувчи *топшириқлар таснифи қуйидаги белгилар*: билиш фаолияти характери; мураккаблик даражаси; топшириқни бажаришда иштирок этувчи талабалар миқдори; бажариш шакллари; бажаришда мустақиллик даражаси бўйича амалга оширилади. *Ахборот-рецептив характердаги вазифалар* ўқув маълумотини идрок этиш, англаш, эслаб қолишга йўналтирилган; *репродуктив характердаги вазифалар* талабалар томонидан фаолият усуллариининг типик ва вариатив, аммо осон таниладиган вазиятлар бўйича амалга ошириш тажрибасини эгаллашга ва ижодий фаолиятни ташкиллаштиришга йўналтирилган.



1-расм. ОТМ талабаларида билиш фаолиятини шакллантириш модели.

Билиш фаолиятини шакллантириш жараёни таълим жараёнида талабанинг билиш фаолиятининг модели амалга ошириш технологиялари босқичида акс этади (2-жадвал).

2-жадвал.

Билиш фаолиятини шакллантириш технологияси

	Билиш фаолияти моделини амалга ошириш босқичлари	Билиш фаолиятини фаоллаштириш бўйича услубий тавсиялар
1	Мақсад танлаш	Мақсадли установка машғулотларда талабаларда билиш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш зарурияти, барқарор ижобий мотивацияга установкани шакллантиришга йўналтирилган ўқув материали ва воситаларини таъминлашни шартлайди
2	Таълим мазмунини танлаш	Талабаларнинг хусусиятлари ва уларнинг билиш имкониятларини инобатга олган ҳолда таълим мазмуни танловини амалга ошириш. Барчани ва ҳар бирини жалб қилиш учун билиш фаолияти тушунчаси ҳамда моҳиятини очиб берувчи билимларни ривожлантириш ва фаоллаштириш зарур
3	Билиш фаолиятининг ривожланишини таъминловчи ўқув вазифалари тизимини ишлаб чиқиш (таълим воситаси ва билим, кўникма, малакалар назорати)	Таълим жараёнида ижобий мотивация бериш, психологик қулай муҳитни яратиш муҳим омил ҳисобланади. Бунга талабаларда топшириқларни бажаришда шахсий манфаатдорликни уйғотадиган усуллардан фойдаланганча эришилади. Уларга нутқий ва муаммоли топшириқлар тааллуқлидир
4	Таълим жараёнини ташкиллаштириш	Талабаларнинг билиш фаолиятини асослаш ва рағбатлантириш, психологик қулайлик тизимини яратиш
5	ОТМ талабаларининг билиш фаолиятини таъминловчи таълимнинг шакллари ва усулларини қўллаш	Машғулотлар ҳал қилинаётган вазифага мувофиқ таълим шакллари, усуллари ва воситалари билан таъминланиши зарур
6	Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш давомида назорат, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш	Талабаларнинг билиш фаолиятини доимий равишда рағбатлантириш ва керакли тарзда уюштириш, таълимнинг барча босқичларида билим эгаллашда уларнинг шахсий кучланишларини ҳар қанақасига ошириш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бор кучини сарф қилишни шакллантириш

Педагогик фанларни ўрганишда ОТМ талабаларида билиш фаолиятини шакллантириш жараёнининг натижавийлиги аудитория машғулотларида бўлганидек, аудиториядан ташқаридаги вақтда ҳам фойдаланиладиган махсус ишлаб чиқилган вазифалар тизимининг мантиқийлиги ва мақсадга мувофиқлиги билан таъминланади. Тажриба-синов ишларини ўтказиш жараёнида сезилдики, талабаларда билиш фаолиятининг шакллантирилганлиги, таълим ва янги билим олишга мотивация паст даражададир. Тажриба гуруҳида ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги шакллари орқали

талабаларда таълимга мотивация, ўқишга истакнинг намоён бўлиши кузатилди, бу билиш фаолияти шаклланишидан далолат беради.

ОТМ талабаларининг билиш фаолиятини ажратилган хусусиятларини инобатга олган ҳолда тадқиқотда талабанинг билиш фаолиятини мазмунини бирмунча яхлит ва тўлиқ акс эттирувчи сифатида унинг когнитив, ҳаракатли ва шахсий компонентларини ажратдик. Бунда шахсий компонент эмоционал, иродавий, мотивацион таркибий қисмларини, шунингдек, рефлексияга қобилиятни ўз ичига олади.

Билиш фаолияти ривожланишининг ҳар хил босқичларида турган, бироқ бунда тизимнинг бир қисми сифатида ўзида яхлитликни акс эттирганча ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқликнинг мураккаб муносабатларида бўлган когнитив, ҳаракатли ва шахсий (эмоционал, иродавий, мотивацион таркибий қисмларни, шунингдек, рефлексияга қобилиятдан иборат) компонентларнинг ўзаро алоқасини ўзида акс эттиради (3 –жадвал).

3 -жадвал.

Билиш фаолиятининг психологик-педагогик таркибий қисми

№ б/б	Билиш фаолиятининг компонентлари	Билиш фаолияти кўрсаткичлари	Билиш фаолиятининг тавсифи
1	Когнитив	Тафаккурнинг мантикий шакллари, назарий билимларни эгаллаш даражаси	<ul style="list-style-type: none"> • билиш фаолиятининг зарурияти тўғрисидаги билимлар; • билим олиш, тўлдириш ва янгилаш усуллари тўғрисидаги билимлар; • билиш фаолиятининг ҳар бир операциясини алоҳида, унинг ўрни, вазифалари ва билим олиш масалаларини ҳал қилишга йўналтирилган ҳаракатларнинг бутун тизимини комплекс идрок этиш; • тафаккурнинг мантикий шакллари тўғрисидаги билимлар.
2	Ҳаракатли	Малакаларни эгаллаш ва уларни қўллашга тайёрлик даражаси	<p>ўқув-коммуникатив: тинглаш ва саволлар бериш, аудитория олдида чиқиш қилиш, диалог олиб бориш, баҳс-мунозара, низоли вазиятлардан чиқиб кетиш;</p> <p>ўқув-рефлексив: мустақил ўқув фаолиятини таҳлил қилиш, ўқув ҳаракатларининг ўзи ва ўзаро назорат қилишни олиб бориш, ўз фаолияти натижаларини ҳолисона баҳолаш, шахсий ўз-ўзини баҳолашни амалга ошириш;</p> <p>ўқув-ташқиллий: ўқув фаолиятининг мақсади ва вазифаларини белгилаш, ўқув фаолиятини бажариш йўллари режалаштириш: режа туза олиш (соғда ва мураккаб), конспект қила олиш, тезисини тайёрлаш; ўзининг ўқув фаолиятини вақтида назорат қилиш, гуруҳда ишни уюштириш;</p> <p>ўқув-интеллектуал: турли-туман мазмундаги матнларни ўқиш (равон, тўғри); матнни сўзлаб бериш (торайтириб, батафсил, танловга кўра); тақриз бериш; маърузалар, хабарлар тайёрлаш; асосийларини ажратиш ва эслаб қолиш; умумлаштириш ва тизимлаштириш; кузатиш ва таҳлил қилиш; лойиҳалаш ва моделлаштириш;</p>

			ўқув-информацион: қоғоздаги матнлар билан ишлаш; зарурий маълумотни топиш; дарслик, луғатлар, маълумотномалар, каталоглар, кутубхона кўрсаткичлари аппаратларидан фойдаланиш; техник воситалар ёрдамида маълумотни олиш ва тақдим этиш.
3	Шахсий	Билиш фаолиятининг зарурлигига қизиқувчанлик ва ишониш	
3.1	Иродавий	Ташқи ва ички тўсиқларни бартараф қилиш билан боғлиқ, онгли равишда қўйилган мақсадга эришишга йўналганлик	ўқишга оид ҳаракатларни яқунлашга интилиш
3.2	Эмоционал	Билим олишнинг индивидуал тажрибасини эмоционал жиҳатдан мустаҳкамлаш хусусиятлари	умумий ижобий кайфият
3.3	Мотивацион	Билиш фаолиятининг шаклланиши зарурлигига қизиқувчанлик ва ишонувчанлик	билим олиш усулига, билиш фаолиятини уюштириш усулига, қизиқиш
3.4	Рефлексив қобилият	Рефлексив қобилиятнинг шаклланганлик даражаси	

ОТМ талабаларининг билиш фаолиятининг таркибий қисмлари билан кўриб чиқиладиган тизимлар ўртасидаги қуйидаги алоқаларни ажратиш мумкин: ўзаро ҳаракатланиш алоқалари, яъни когнитив, шахсий, ҳаракатли компонентларнинг алоқалари; когнитив компонентга кирувчи билимларда намоён бўладиган ҳаракатли компонентга кирувчи малакаларни шакллантириш учун асос ҳисобланадиган оқибат алоқалари; талабаларнинг билиш фаолияти жараёнида бир ҳолатдан бошқасига ўтадиган компонентларнинг бевосита ўзаро ҳаракатланиши йўли билан амалга ошириладиган ўзгаришлар алоқалари; кўриб чиқиладиган тизимларнинг реал ҳаётий фаолиятини таъминловчи ҳаракатланиш алоқалари. Ҳаракатланиш алоқалари билан бирлашадиган билиш фаолияти компонентлари биргаликда муайян вазифаларни амалга оширадиган; ўзида функционал алоқаларнинг турли-туманлигини акс эттирувчи ва тизим ҳосил қилувчи ҳисобланадиган бошқарув алоқалари. Бошқарув алоқаларини муайян дастурлар асосида қуриладиган ва уни амалга ошириш усулини ўзида акс эттирадиган алоқалар сифатида тавсифлаш мумкин.

Талабанинг билиш фаолияти ўз ичига қуйидаги вазифаларни қамраб олади:

